

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

*Мадрахимов Умирбек Мухаммадович,*  
*мустақил тадқиқотчи,*  
*Email: [umirbekmadrahimov1976@gmail.com](mailto:umirbekmadrahimov1976@gmail.com)*

### **ENSURING SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS SUBJECTS**

*Madrakhimov Umirbek Muhammadovich,*  
*independent researcher,*  
*Email: [umirbekmadrahimov1976@gmail.com](mailto:umirbekmadrahimov1976@gmail.com)*

**JEL Classification:** O1, O12

**Аннотация.** Мақолада кичик бизнес субъектларининг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамияти, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини кучайтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий таҳлилини амалга ошириш орқали илмий жиҳатидан асосланган хулоса ҳамда таклифлар баён этилган. Хусусан, кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамда уларнинг амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш асосида республикамизнинг узоқ ва чекка худудларида, қишлоқларида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни бир текис ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг бир-биридан ортда қолмаслигини тегишли идоралар орқали назорат қилиш, уларнинг кўламини кенгайтириш ва бу орқали маҳаллий аҳолини иш жойлари билан таъминлаш лозимлиги асосланган.

**Abstract.** In the article, the importance of small business entities in the economy of the world countries, strengthening the competitiveness of the economies of developed countries, introducing the achievements of scientific and technical development into production, creating new jobs and increasing the income of the population, and the reforms being carried out in the Republic of Uzbekistan, by performing an economic analysis of small business entities scientifically based conclusions and suggestions are presented. In particular, it is aimed at ensuring the sustainable development of small business entities and increasing their efficiency, and on the basis of further improving the mechanism of their implementation, to ensure the even development of entrepreneurial activities in remote and remote areas and villages of our republic, and to control that they do not fall behind each other through the relevant agencies, their scope It is based on the need to expand and thereby provide local residents with jobs.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, жаҳон тажрибаси, барқарор ривожланиш, ҳаракатлар стратегияси, моделлаштириш, прогнозлаш

**Keywords:** small business, world

experience, sustainable development, action strategy, modeling, forecasting

**Кириш.** Кичик бизнеснинг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Агар бизнинг республикамизда бу соҳага бўлган эътибор асосан ижтимоий-иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаларига боғлиқ ҳолда кенг авж олган бўлса, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кичик бизнеснинг устувор аҳамиятларини тан олиш ҳамда уларни ривожлантириш учун чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқиш анча илгари бошланган эди. Мазкур соҳа ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини кучайтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш каби масалаларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак. Кичик бизнеснинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши Японияда 78,0 фоизни, Италияда 71,0 фоизни, Германияда 69,5 фоизни, Буюк Британияда 56,0 фоизни, АҚШда 54,0 физни, Россияда 25,6 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин [7].

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан бунда кичик бизнес субъектлари ривожини рағбатлантириш орқали ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш ва миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш» [2] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уни самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

**Материал ва метод.** Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда, кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамда уларнинг амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш борасидаги илмий ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу масалага жиддий эътибор берилиб, кўплаб иқтисодчи-олимларнинг бу муаммога бўлган муносабатини келтириш мумкин, жумладан: А.Смит, Ж.Б.Сей, Р.Кантильон, Ж.Кейнс, Й.Шумпетер ва Х.Ландстром

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг умумий жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, М.Р.Болтабаев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, А.А.Хаджимуратов

кабиларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозаши масалалари Б.Ю.Ходиев, Б.Т.Салимов ва С.К.Салаевлар тадқиқот ишларида ўрганилган. У.В.Ғафуров томонидан кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, О.А.Арипов ишида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, М.М.Ибрагимова ишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида санаб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларига қаратилган бўлиб, ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш муаммоларига янгича ёндашувни талаб этиши мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда иқтисодий-статистик усуллар, тизимли таҳлил, гуруҳлаштириш таққослаш, солиштириш, танланма кузатув усуллари кўриб чиқилган бўлиб, натижалар аниқлигига эришиш учун асосан, кўп омилли эконометрик

таҳлиллар, прогнозаштириш усулларига эътибор қаратилган.

**Натижалар.** Бозор иқтисодиёти ҳар бир ишлаб чиқарувчи субъектдан бозорда муносиб ўрин эгаллашни талаб этади. Бу ўринда иқтисодиёт тармоқларидаги техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш ҳақида бормоқда.

Маълумки, кичик бизнес субъектлари бозорга турли-туман товарларни етказиб беришда доимо бозордаги талабни ўрганиб борадиган ҳамда истеъмолчилар талаби ва рақобатдош корхоналарни ўрганган ҳолда фойда олиш мақсадида фаолият юритадилар.

Кичик бизнес субъектларида ЯИМнинг асосий қисми яратилади, хусусан 2020 йилда 55,7 фоизни [6] ташкил этган ва унинг моддий ишлаб чиқарувчи энг муҳим таркибий қисми саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий ресурслар қайта ишланилиб, моддий неъматлар ва истеъмол товарлари яратилади. Уларнинг ривожланиши аҳоли даромадларини ошиши, турмуш фаровонлигини ўсиши учун имконият яратиб, таълим, тиббиёт, маданият соҳалари ривожини учун молиявий-моддий асос яратади. Кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, аммо давлат кўмагисиз кичик бизнес таназзулга учраши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда 2017-2020 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий иқтисодий тармоқлардаги ҳажми млрд. сўм<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2021 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
Саноат	244,0	1104,8	10132,9	39643,5	103020,8	121719,2	121475,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1021,0	5019,7	31900,4	101197,5	253238,2	307280,2	306259,2
Хизматлар	11115,4	13551,5	15214,1	47269,6	114052,7	144812,7	133697,4
Қурилиш	149,0	739,2	4163,2	16954,0	63866,6	77762,0	77613,0


Жадвал маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектларининг тармоқлар бўйича энг юқори кўрсаткич қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида бўлиб, 2021 йилда 2000 йилга нисбатан 306259,2 млрд. сўмга ошиб 307280,2 млрд. сўмга тенг эканлиги кузатилди. Иккинчи ўринда хизматлар соҳаси (2021 йилда 144812,7 млрд. сўм), саноат тармоғида 121719,2млрд. сўм (2000 йилда 244,0 сўм)га тенг бўлиб учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қурилиш соҳаларида ҳам юқори қийматга эга эканлигини кўриш мумкин.

Мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазият учун кичик бизнеснинг аҳамияти сабабли, аксарият мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам берадиган қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунга қадар турли мамлакатларда ривожланган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тизимлари иқтисодий сиёсатнинг асосий тушунчалари, устувор йўналишларни

танлаш ва фойдаланиладиган маблағлар ҳамда жалб қилинган бюджет маблағлари жиҳатидан сезиларли фарқ қилади.

Албатта, шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувида маҳсулот импорти ва экспорти, яъни ташқи иқтисодий фаолият муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асоси — ҳудудий экспорт салоҳияти, асосан, кичик бизнес субъектлари томонидан шакллантирилади. Мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш йўли билан мамлакат экспорт таркибини сифат ва сон жиҳатдан ўзгартириш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хорижга сотишни рағбатлантиришга қаратилган миллий экспорт сиёсатини амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади (1-расм).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт ҳажмининг ўзгариши**

1-расмдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт ҳажмининг ўзгаришига эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 4380,5 млн. АҚШ долларига ошиб 4714,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ташқи савдо кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, экспорт салоҳияти мустаҳкамланиб бормоқда ва кичик бизнес субъектлар экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда уларни амалиётда қўлланилиши натижасида ушбу соҳанинг жами экспортдаги улуши ортиб бормоқда.

Аммо ушбу йўналишда иқтисодий салоҳият ва имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланяпмиз, деб айта олмаимиз. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудий экспортида, асосан, вилоят марказларининг улуши юқорилигини кузатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, барча ҳудудларда кичик бизнес субъектлари томонидан экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш учун яратилган шарт-шароитлар

ҳали етарли эмаслигидан далолат беради. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда иқтисодиётимизда кичик бизнес субъектларининг улушини ортириш учун, соҳага оид мавжуд қонунчилик ҳамда яратилган шароит ва имкониятларни янада такомиллаштириш талаб этилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган иқтисодий таҳлил натижалари жараёнга чуқур хулоса қилишга имкон бермайди шу маънода, мақолада Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини ишлаб чиқариш ҳажми – Y ўзгаришига таъсир этувчи кичик бизнес субъектларининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми – X1, қурилиш – X2, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми – X3, тармоқда кўрсатилаётган хизматлар ҳажми – X4 ҳамда тармоқдаги бандлик омилларининг 2000-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда эконометрик таҳлилни амалга ошириш лозим. Бунинг учун аваламбор, омиллар ўртасидаги боғланиш коэффициенти аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион коэффицентлари

	Y	X1	X2	X3	X4	X5
Y	1					
X1	0,996763	1				
X2	0,975411	0,673501	1			
X3	0,999358	0,59627	0,780906	1		
X4	0,994176	0,692242	0,682937	0,695314	1	
X5	0,734815	0,704619	0,616135	0,717981	0,679795	1

2-жадвал маълумотларига кўра, танланган омилларнинг барчаси натижавий омил билан кучли зичликда тўғри боғланган ва омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик  $r_{x1,x2} < 0,8$  шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни

EViews дастури орқали давом эттириш мумкин. Танлаб олинган омиллар ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги боис, омил кўрсаткичларини логорифмлаб чизиксиз тенгламани ҳосил қилиш билан бирга уни сифат мезонлари асосида текширилади (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган товар ва хизматлар ҳажмининг кўп омилли регрессия тенгламаси

Dependent Variable: LNY  
Method: Least Squares  
Date: 10/31/22 Time: 15:37  
Sample: 2000 2021  
Included observations: 22


Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNХ1	0.333015	0.973490	0.342084	0.0367
LNХ2	0.183897	0.486141	0.378278	0.0102
LNХ3	0.089882	0.934117	0.096221	0.0245
LNХ4	0.257077	0.269840	0.952700	0.0519
LNХ5	0.946737	1.481899	0.638867	0.0319
C	-5.9671152	13.43263	-0.44423	0.0520
			$t_{\text{жад}}=2,1199053$	
R-squared	0.963275	Mean dependent var		10.50114
Adjusted R-squared	0.951798	S.D. dependent var		1.765814
S.E. of regression	0.387682	Akaike info criterion		1.169740
Sum squared resid	2.404762	Schwarz criterion		1.467297
Log likelihood	-6.867141	Hannan-Quinn criter.		1.239836
F-statistic	83.93388	Durbin-Watson stat		1.852640
Prob(F-statistic)	0.000000	$F_{\text{жад}}=0,35058084$		

\*Жадвал маълумотларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгламани ҳосил қилинади:

$$\ln Y = 0,33 \ln X1 + 0,18 \ln X2 + 0,09 \ln X3 + 0,26 \ln X4 + 0,95 \ln X5 - 5,9671152 \quad (1)$$

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак,  $\alpha=0,05$  ва  $df=16$  бўлган ҳолда  $t_{Жад}=2,1199053$  га тенглигидан барча параметрларнинг аҳамиятсизлиги кўриниб турибди. Бунга аниқлик кiritиш мақсадида

параметрларнинг аҳамиятли ёки аҳамиятсизлигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (2-расм).



2-расм. (1)-регрессия параметрларини ретроспектив сифат мезонлари натижаси

2-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки,  $MAPE=1,144$  бўлиб, бу ўз навбатида  $MAPE=1,144 < 10\%$  прогноз аниқлиги юқори ва  $TIC=0,0067 < 1$  прогноз аниқлиги қанчалик юқори бўлса, коэффициент шунчалик нолга интилишидан (1)-регрессия тенгламаси параметрларининг барчасини

аҳамиятлилиги келиб чиқади. Математика қоидаларига ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган (1)-регрессия тенгламасини потенцирлаб олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y = \frac{X_1^{0,33} * X_2^{0,18} * X_3^{0,09} * X_4^{0,26} * X_5^{0,95}}{e^{5,9671152}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган (1\*)-регрессия тенгламасини ҳақиқатдан аҳамиятлилигини  $\alpha=0,05$  ва  $k_1=16$ ;  $k_2=4$  бўлганда  $F_{Жад}=0,35058084$  га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати  $F_{Ҳис}=83.9$  тенглигидан  $F_{Жад} < F_{Ҳис}$  шартга биноан (1\*)-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда

$DW=1,85$  тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Аниқланган (1\*)-регрессия тенгламасига иқтисодий жиҳатидан изоҳ берадиган бўлсак, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ва қурилиш ҳажмини 1,0 млрд.

сўмга, оширилса, кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда қўшимча 1,0 ва 0,9 млрд. сўмга қўшимча ошиши белгиланди. Агар моделдаги қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажмини ҳамда хизматлар соҳасида бажарилган ишлар ҳажмини 1,0 млрд. сўмга оширилса, кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда қўшимча 0,1 ва 0,7 млрд сўмга ошиши аниқланди.

**Хулоса.** Юқорида кўриб ўтилган таҳлилий натижалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда, айти пайтда кичик бизнес субъектларидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни лозим деб ҳисоблаймиз:

- кичик бизнес субъектларининг хорижий ускуна ва замонавий минитехнологияларни харид қилиш бўйича мавжуд бозор конъюктурасини чуқур ўрганиш;

- кичик бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро рақобатбардошлик муҳитини оширишда давлат томонидан кўмаклашиш;

- кичик бизнес субъектлари томонидан бозорнинг ички ва ташқи имкониятлари тўғрисида ахборот алмашинувини такомиллаштириш;

- халқаро тадбиркорлик субъектлари билан иқтисодий ҳамда савдо- сотиқ жараёнларида интеграцион муносабатларни яхшилашда иқтисодий - савдо географиясини кенгайтириш;

- кичик бизнес субъектларини маълум бир соҳага ихтисослашувида илмий асосланган қарашларни ошириб бориш;

- кичик бизнес субъектлари ҳамда йирик корхоналар ўртасида корпоратив алоқаларни яхшилаш;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикаимизнинг узоқ ва чекка ҳудудларида, қишлоқларида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни бир текис ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг бир-биридан ортда қолмаслигини тегишли идоралар орқали назорат қилиш, уларнинг қўламини кенгайтириш ва бу орқали маҳаллий аҳолини иш жойлари билан таъминлаш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПҚ-307-сонли қарори - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.04.2022 йилдаги ПФ-101-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



5. “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2022 йилдаги ПФ-113-сонли Фармони - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари – <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship-2>
7. Европа статистика маълумотлари – <https://ec.europa.eu/eurostat>
8. Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омилар, натижалар ва истиқболлар. Монография. –Т. «Маънавият», 2017. – 128 б
9. Юсупходжаева, Г. Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни / Молодой ученый. – 2019. – № 45 (283). – С. 398-401. – URL: <https://moluch.ru/archive/283/63669/>
10. Abdullaev, A. (2019). Иқтисодиёт ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли (тошкент вилояти мисолида). *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (2), 253–266. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/10780](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/10780)
11. Хошимов П.З., Баратова З.М., Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли. “Ўзбекистонда хусусий мулкчилик ва кичик бизнесни устувор ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 27 февраль 2018 йил (2-қисм). Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018, 14-16 бб.
12. Б. Байхонов, У.Отажанов, О.Турғунов Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимлаш. ТДИУ 90 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рқобатдош саноат занжирларини яртиш ва инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари”. Том 2 – Т.: “Iqtisodiyot” – 2021, 54-57 бб. <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1139>
13. В.Т. Baikhonov, U.A. Otajanov Analysis of the small business development and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan. *Asian journal of research in business economics and management*. Delhi, India Vol. 11, Issue 11, November 2021. <https://aijsh.com/wp-content/uploads/2021/12/11.13-Complete-AJRBEM.pdf>
14. U.A. Otajanov, S.A. Sattorov. Improving strategies for preventing uneven socio-economic development of areas. *International Conference on Developments in Education*. Delhi, India. 21st August 2022. 23-29 pp. <https://www.econferencezone.org>
15. U.A. Otajanov, Improving the methods of assessing the socio-economic potential of the regions of the Republic of Uzbekistan on the basis of intellectual mathematical models. *Journal of Economics, Finance and Management Studies*. USA. Volume 4 Issue 12 December 2021, Page No. 2403-2414. <https://ijefm.co.in/v4i12/Doc/1.pdf>
16. Smith, A. (1776/1979), *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations*, London: Methuen and Co.



17. Schumpeter, Joseph A. (1949), "Economic theory and entrepreneurial history", Landström, H. (2005), *Pioneers in Entrepreneurship and Small Business Research*, New York: Springer.
18. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365 б.
19. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм), Т.- “Меҳнат”, 2000. – 347 б.;
20. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 274 б.
21. Хаджимуратов А.А. Предпринимательство: Сущность и основные компоненты. –СПб.: Изд. Санкт-Петербургского Университета Экономики и финансов. 1995. – 73 б.
22. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. – 49 б.
23. Арипов О.А. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. Дисс... 08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти –Т.: 2020.
24. Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш. Дисс... 08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти –Т.: 2018.